

ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР СЎЗ САНЪАТИ ХОССАЛАРИ

Яркинова Барчиной Баргиевна,

“University of Economics and Pedogogy” Notm

Ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси доценти, ф.ф.н.

T.: +998916118441, yarkinovabarchinoy@gmail.com

Аннотация:

Мақолада туркий халқлар сўз санъатининг генезиси, муштарак жиҳатлари ва ўзига хосликлари, бу борадаги илк тадиқотлар, хусусан туркшунос олим П.А.Фалёвнинг илмий қарашлари таҳлилга тортилган. Шунингдек, қадимги туркий халқлар адабиётидаги айрим жанрлар ҳақида маълумот берилган..

Калит сўз ва иборалар: туркий элатлар, эпик ижод, маросим қўшиқлари, тотемистик дунёқараш, туркшунослик, нўғай афсоналари

Проблемы генезиса, общности и особенностей словесного искусства тюркских народов.

Яркинова Барчиной Баргиевна, к.ф.н., доцент Кафедры методики обучения
языкам А ндижанского ТЦППКРНО

Аннотация:

В статье анализируются генезис, общность и особенности словесного искусства тюркских народов, первые исследования в этой области, в частности, научные взгляды тюрколога П.А. Фалева. Также есть сведения о некоторых жанрах в древней литературе тюркских народов.

Ключевые слова и фразы: тюркские народы, эпические творения, обрядовые песни, тотемистическое мировоззрение, тюркология, ногайские легенды.

Issues of genesis, commonalities and peculiarities of the word art of the Turkic peoples

Yarkinova Barchinoy Bargiyevna, PhD in Philology, docent of the Department of Methodology of Teaching Languages, Andijan Regional Center of Personnel Professional Development of Retraining Public Education and In-Service Training

Annotation: In the article, the genesis, common features, and peculiarities of the word art of the Turkic peoples, the early research in this field, in particular, the Turkic scholar P.A. Falyov's scientific views are analyzed. There is also information about some genres in the literature of the Turkic peoples.

Keywords and phrases: Turkic peoples, epic creations, ceremonial songs, totemistic worldview, Turkic studies, Nogai legends.

Туркий халқлар ва уларнинг сўз саънати ҳақида кенг қамровли қиёсий-чоғиштира илмий асар йўқ. Илм-фан дунёси шундай асарга ҳозир ҳам муҳтожлиги туркшунослик илмида изланишларни давом эттиришни тақозо қилади. Атоқли турколог олим Пётр Александрович Фалёвнинг ўтган аср бошларида Тошкентдаги Туркистон дорулфунунида ўқиган маърузалари матни бўлган “Туркий халқларининг сўз санъати ва лаҳжаларига кириш” деб номланган асарини асосли равишда туркий халқлар сўз санъати, муштарак жиҳатлари ва ўзига хосликларини очиқ берувчи илк тадқиқот деб олишимиз мумкин. Олим ёзади: “Туркшунослик ва уни ўрганишга оид бирон-бир қўлланманинг мутлақо йўқлиги туфайлигина мен 1921 йилнинг кузида Туркистон Шарқ институтида ўқиган лекцияларим негизини ташкил этган “Туркий филологияга кириш” курсидан қораламаларимни чоп этиб кўпайтиришларига розилик беришга мажбур бўлдим...”¹

Олим дастлаб туркий халқлар тарқалган географик маълумотларни батафсил баён қилар экан, Олтой ва Олтойга ёндош туркий элатларнинг исломга кирмай, қадимги шомонийлик дунёқарашида қолганлиги билан бошқа туркийлардан ажралиб туришини таъкидлайди ва моҳияти бутун табиатни руҳийлаштириш бўлган шомоний дунёқараш негизда яратилган қадимги афсона ва асотирларни келтириб ўтади, шу билан бирга, “шомон” атамаси туркий тилдаги “қам” сўзи эканлиги, яъни қамламоқ (шомонлик қилмоқ) феъли шу сўздан ясалганлигини айтади.

Адабиётшунос олим З.Исомиддинов: “Қам” сўзи ҳозирги ўзбек тилида қўлланмайди. Аммо “кам”- урмоқ маъносидаги сўздир; уриш асбоби “қамчи” шундан келиб чиққан. Шомоннинг асосий фаолияти ҳам қамлаш – доирани

¹ П.А.Фалёв. Туркий халқларнинг сўз саъатлари ва лаҳжалари. Туркистон Шапҳрқ нашриётининг 1922 йил нашридан З.Исомиддинов таржимаси. А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти.- Т., 2017, 7- бет. Бундан кейинги мисоллар ушбу нашрдан олинди, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади.

кўл ёки таёқчўп билан уришдан иборат”²,- деб изоҳлаган. Туркийшунос олим П.А.Фалев ана шу шомоний хурофот негизида кейинчалик қаҳрамоннинг ер ости салтанати ва самоларга саёҳати тўғрисидаги яратилган афсоналардан мисоллар келтиради. Олим туркийлар оғзаки ижодида кўп учрайдиган темирчи образига тўхталиб: “...қаҳрамонга курул-яроқ ясаб бериб, темирчи унинг ғалабасига ҳисса қўшади. Темирчи, афтидан имтиёзли мавқега эга бўлган. Масалан, мўғулча дархон (темирчи) сўзи туркий тилларга кўпинча тархон бўлиб ўтган ва солиқдан озод қилинган киши, деган маънони англатган”,- дейди.

П.А.Фалев туркий халқлар ҳақидаги қимматли фикрларини давом эттириб ёзади: “Бобо юрти ҳисобланган Олтойдан ғарбга томон кўчган туркийлар қозоқ саҳроларида қадимдан яшаб келганлар. Бу саҳроларнинг ҳозирги аҳолиси ўзини қозоқ деб атайдилар... Қозоқлар тарих саҳнасида нисбатан кейин пайдо бўлган эл ҳисобланади. Олтин Ўрда ҳукм сурган ва у қулаган замонларда ҳозирги қозоқ саҳроларида ўзбеклар кўчиб юришар эди. XV асрда Ўзбек ўрдасидан бир қисм уруғ ажралиб чиқиб, шарққа йўл олади. Ўша замонларда жамоа иттифоқидан қай бир сабабга кўра ажралган бундай қочоқлар қозоқ деб аталарди. Шундай қилиб ўзбеклардан ажралган уруғлар “қозоқ”лик қилдилар ва бу лақаб бора-бора уларнинг бугунги номига айланди. Қозоқларнинг бу тарихи уларнинг кўхна ривоятларида ҳам сақланиб қолган, уларнинг барчасида қозоқларнинг қай бир қочоқдан тарқалгани ёки ўз одамида адашиб қолган бир гуруҳдан келиб чиққани нақл қилинади”³. Олим қозоқларнинг ҳаёти тадрижини ёритар экан, Г.Н.Потаниннинг “Легенды, предания и сказки казак- киргизов”⁴ асаридаги Асан-Қўйди ривоятини давр руҳида акс эттирилиши жиҳатидан аҳамиятли манба деб ҳисоблайди.

У қозоқларнинг сўз санъати ҳақидаги мулоҳазаларини академик Радловнинг фикрларига таянган ҳолда, қирғизларда эпик ижодчилик ривожланганини, қозоқларда асосан лирик характердаги асарлар кўплиги сабабли эпос сустроқ ривожланган, деган хулосани айтади. Бунинг сабабига қуйидагича изоҳ беради: “Туркий қабилалар ичида эпик ижодчиликни давом эттирувчилар қирғизлар билан нўғайлардир. Бу халқларнинг униси ҳам, буниси ҳам бой

² Шу асар, 10- бет

³ Шу асар, 14- бет

⁴ Г.Н.Потанин.”Легенды, предания и сказки казак- киргизов. Живая старина, 1916г

тарихга эга. Қозоқларнинг миллий тарихи эса бунчалик бой мазмунга эга эмас ва худди шу нарса уларнинг оғзаки санъатида эпоснинг сушт шаклланишига олиб келган”⁵.

Турколог олим қозоқларнинг оғзаки ижоди ҳақида академик Радловнинг “Образцы народной литературы северных тюркских племён”⁶ асари III-жилдида келтирилган маълумотларни шарҳлар экан, ёзади: “Бу китобда асосан тўйларда ижро этиладиган маросим қўшиқларини учратамиз. Келинни туғилиб ўсган овулидан куёвнинг овулига қўшиқ куйлаб кузатадилар.” “Жар-жар” деган нақарот билан тугайдиган қўшиқ мисраларининг вазни чўзиқроқ бўлади ва айтилатган вазнга мувофиқ келади:

Бир толарсак, бир тобук санда болор,

Жар-жар!

Қырк кисининг ақылы қанда болор,

Жар-жар!

Экемей деб жилама, байгус қыздар,

Жар-жар!

Экенг ушун қайын ата онда болор,

Жар-жар!

Куёвнинг овулида ҳам келинни қўшиқ билан кутиб олишади. Бу қўшиқларнинг мазмуни ҳазил-мутуйибадан иборат бўлиб, вазни ҳам шиддатли, шўхчан. Аммо бу ҳазил-мутуйибалар асосан куйловчиларнинг ўзи учун. Келинга қарата эса, унчаям қувноқ бўлмаган гап-сўзлар айтилади, эслатилади. Унинг зиммасидаги вазифалар ва мажбуриятлар бирма-бир кўрсатилади. Унинг ягона тасаллиси — болалари бўлади.

Айт келин, айт келин!

Аттинг басин тарт келин!

Сауқанан сақ келин!

Жумуртқадан ақ келин!

⁵ Шу асар. 15-бет

⁶ В.В.Радлов. Образцы народной литературы северных тюркских племён. М., том III.

Бу кўшиқларнинг куйланишида драматик ҳаракат унсурлари бор: антифон тарзда, яъни икки хорга бўлиниб ижро этилади, куйлаш ҳатти-ҳаракат билан бойитилади”⁷.

Олим маросим кўшиқларидан ташқари, қизлар билан йигитларнинг айтишуви, алоҳида кўшиқчиларнинг баҳслашуви кабилар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар беради. “Мана шу охиргиси айниқса қизик: икки кўшиқчининг айтишувида бир вақтнинг ўзида мактов ва сатира бирга кўшилиб кетади — куйчи ўзининг уруғ-аймоғини мактаб кўкка кўтаради ва рақибининг уруғини ерга булғайди”⁸. Г.Н.Потанин тўпламида⁹ мана шундай айтишувларнинг бири ҳақида ҳикоя қилинади. Кўшиқчиларнинг бири қирғиз, бошқаси қозоқ экан. Бу ўринда шуни айтиб ўтишимиз керакки, қирғизларнинг қадимги афсоналарида тотемистик дунёқараш унсурлари сақланган, аслида улар қадимги туркларнинг барчаси учун ҳам хос бўлган. Хитой ёзувидаги манбаларда туркларнинг айрим қабилалари турли ҳайвонлардан, жумладан бўридан келиб чиққанлигини нақл қилувчи афсоналар ҳақида маълумотлар бор. Чўқон Валихоновнинг хабар беришича, бу хилдаги ривоятлар қирғизлар орасида ҳозирда ҳам бор. Кўчманчилар дунёқарашидаги бундай нақллар ҳозирда ҳеч бир заминга эга эмаслиги маълум, аммо ўз вақтида хийла жиддий қабул қилинган. Бояги ҳикояда қозоқ оқини қирғиз рақибининг устидан унинг қабиладошлари итнинг авлоди эканини айтиб кулади.

Қозоқлар орасида кишининг ўлимига қайғуриб йиғлаш — **жилау** кўп ёйилган. Уларда халқ оғзаки ижодига хос унсурлар исломият руҳи билан уйғунлашиб кетади. Ҳар хил йиғи-йўқлов анъанавий бисмиллоҳ билан бошланади. Марҳум умрининг турли йилларида қилган ишлари тавсифи (ўн ёшида бундай қилган эди ва ҳ.) эса йиғи- йўқловни халқ оғзаки ижодининг бошқа турлари билан яқинлаштиради. Одил султон ҳақидаги қримликлар афсонасида ҳам қаҳрамоннинг ишлари ҳаётининг турли йиллари бўйлаб таърифланади. Айни ҳолда Қрим афсонаси муаллифи йиғи-йўқлов материалларидан фойдаланган, дейиш тўғри бўлади, бизнингча. Йиғи-йўқловнинг марҳум ҳаётлик чоғида қилган ишлари ва одатлари улуғланадиган

⁷ Шу асар, 20-бет.

⁸ Шу асар, 21-бет

⁹ Г.Н.Потанин: Предания, легенды и сказки кайсау-киргизов. М., Живая старина, 1916 г

қисмлари (қайси ёшида қилганлигидан қатъи назар) нўғай эпосига оид турли афсоналар таркибидаги худди шу мазмун ва шаклдаги кўшиқларни эслатади. П.А.Фалев қозоқ эпоси ҳақида фикр юритаркан: “Қозоқлар эпик ижодчилик соҳасида қирғизлар ёки нўғайларга тенглаша олишмайди. Уларда мустақил катта қаҳрамонлик ривоятлари йўқ. Идиге ёки Шўработир ҳақидаги ривоятлар нўғайлардан олинган. Бикет ботир тўғрисидаги қозоқларнинг мустақил ривояти эса хийла кейин шаклланган. Бу нарса шу асарнинг мазмунидан ҳам, шаклидан ҳам яққол кўриниб туради. Ушбу ривоятнинг шаклий жиҳатларини кўхна нўғай афсоналари тузилиши билан қиёсласак, шунга амин бўламизки, гарчи янги қозоқ нақлларида ҳам нўғайларники сингари шеърий мисралар ва насрий парчалар аралашиб келса-да, қозоқ эпосида шеърий қисмларнинг шакли бошқачароқ. Биз уларда исломий маданият негизида шаклланган адабиёт ёки адабиётларга хос бўлган қофия ҳамда ўзига хос бандланишларни учратамиз. Ҳатто тингловчиларга мурожаат шаклида ҳам кўхна эпик кўшиқлардагидан бошқача бўлган янгиликлар мавжуд”-дейди.

Туркшунос олим Узоқ шарқдан Европа ичкарасигача, Финляндиядан Арабистон ярим оролигача бўлган улкан худудда азалдан яшаб келаётган ўнлаб қадимий туркий халқлар ҳақида маълумот бериб, уларнинг тарихи, тили, этнографияси ва сўз санъати ҳақида қисқа, аммо муҳим маълумотларни чоғиштира ёқсинда баён қилган. Бу асарни фақат тарихий нуқтаи назардан эмас, илмий жиҳатдан ҳам ўрганиш туркшунослик илмида кенг қамровли тадқиқотлар олиб боришда асос бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. П.А.Фалев. Туркий халқларнинг сўз саъатлари ва лаҳжалари. Туркистон Шарқ нашриётининг 1922 йил нашридан 3. Исомиддинов таржимаси. А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. -Т., 2017.
2. В.В.Радлов. Образцы народной литературы северных тюркских племён. М. 1918, том III.
3. Г.Н.Потанин: Предания, легенды и сказки кайсау-киргизов. М., Живая старина, 1916 г.
4. Оскоцкий В. Связь времени // Новый мир. -1972. -№ 4. -С. 238.

5. Иванов П.П. Казахи и Кокандское ханство // Зап. ИН-та Востоковед. АН СССР. -Алма-Ата, 1939. -Т.1. -С. 95-96.

6.Злобин С. Великое историческое настоящее // Знамя, 1952. -№ 12. -С. 149-158.

7.Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Т.1, ч.1. -М.: Изд. вост. лит., 1963. XVIII с. 968 стлб.

8.Исомиддинов З.И. Туркий эпос ва таржима масалалари. -Т.: Университет, 1995. -113 б.

